



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2021 йил 15 сентябрь, № 198 (7978)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХМК БИЛАН ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни Халқаро молия корпорацияси бошқарувчи директори Махтар Диоп бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари таркибида ХМК ҳам фаолият кўрсатувчи Жаҳон банки гуруҳи билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётгани ва стратегик шериклик мустаҳкамлаб бораётганини алоҳида таъкидлади. Оқибатда конструктив мулоқот, ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга ўзаро интилиши туфайли Ўзбекистонда Жаҳон банки иштирокидаги қўшма лойиҳаларнинг портфели 5 миллиард долларга етган ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг

барча устувор соҳалари ва тармоқларини қамраб олган.

2016 йилда мамлакатимизда ХМК фаолияти қайта тикланди. Утган даврда Корпорация амалиётларининг ҳажми уч баробар ортиб, қарийб 200 миллион долларни ташкил этди.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, транспорт соҳасини модернизациялаш, банк секторини трансформация қилиш, микромолиялаш институтларини ислоҳ қилиш, тўқимачилик тармоғига халқаро



стандартларни жорий этиш ва бошқа йўналишларда муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокаралар чоғида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш ва жараёнларни рақамлаштиришга доир дастур ва лойиҳаларда ХМКнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик соҳасида, бизнесни молиялаштиришнинг самарали механизмларини, давлат корхоналарини хусусий-

лаштириш ва давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантиришдаги илғор тажрибани жорий этиш борасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда «яшил технологиялар»ни татбиқ этиш, шу жумладан, энергетика ва қишлоқ ҳўжалигидаги инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳим экани таъкидланди.

Қўшма «Йўл харитаси»ни тайёрлаш ва мунтазам экспертлик учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни икки томонлама ҳукуматлараро комиссияларнинг тадбирлари доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Эсенмират Оразгелдиевни қабул қилди.



Кўп қиррали Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари қўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Эсенмират Оразгелдиев Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Шунингдек, шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтказилган икки томонлама ҳамкорлик ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларининг асосий натижалари тўғрисида маълумот берди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ўтказилган саммитга пухта ва ҳар томонлама тайёргарлик қўриш, энг аввало, мазмунли кун тартибини шакллантириш, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 11 ва 14 сентябрь кунлари бўлиб ўтган мажлисларида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган қўйидаги номзодлар 2021 йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди:

— Ўзбекистон Экологик партияси — **Нарзулло Наимович Обломуродов**, 1975 йилда туғилган, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши раиси, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси — **Максуда Азизовна Варисова**,

1961 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси;

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси — **Шавкат Миромонович Мирзиёев**, 1957 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, партияси;

— Ўзбекистон “Миллий



тикланиш” демократик партияси — **Алишер Келдиевич Қодиров**, 1975 йилда туғилган, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси;

— Ўзбекистон “Адолат” со-

циал-демократик партияси — **Баҳром Абдурахимович Абдуҳалимов**, 1959 йилда туғилган, “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши раиси, Тошкент шаҳрида истиқомат қилади, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси.

Қўриб чиқилган масалалар бўйича қарорлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Афғонистонда вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақа кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини қўриб чиқдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 27 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 27 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ-599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **18-модданинг биринчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги махсус солиқ режимлари белгиланади:

1) айланмадан олинadиган солиқ;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 10 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 27 августда маъқулланган

1-модда. 26 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органлари ходимлари кунини этиб белгилансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида»**ги УРҚ-490-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 666-модда) ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 сентябрь
№ УРҚ—715

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:
2020 йил 1 январдан бошлаб махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор бўлганлиги муносабати билан мазкур солиқ имтиёзларининг фойдаланилмай қолган қисми **2020 йил 1 октябрга** қадар махсус иқтисодий зона иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчилар учун, улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, улар реестрга киритилган санадан бошлаб **3 йилдан 10 йилгача** бўлган муддатларда тўлиқ қўлланилади;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш, айрим шартномаларни тузишда ўрнатилган сунъий чекловларни олиб ташлаш, шунингдек, шартномавий муносабатларда ахборот тизимларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг **2021 йил 1 декабрдан** қўйидагиларни бекор қилиш ҳақидаги тақлифга розилик берилсин:

тижорат банкларига етказиб берилган махсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) учун **тўловларни учинчи шахслар ҳисобидан қабул қилишга қўйилган тақиқни;**

(Давоми 2-бетда).



ЭСКИЧА ЁНДАШУВЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

БУ ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШДА
МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.

Ҳар қандай юксак тараққиёт, аввало, ҳудудларни комплекс раванқ топтиришдан бошланади. Бошқача айтганда, юртдаги чекка бир ҳудуд ёки оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам мамлакат ривожининг ажралмас бир бўлагидир. Бу мезонлар Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгиланганида ана шу моҳият ва эзгу мақсад муҳассамдир.

Жумладан, бунга давлатимиз раҳбарининг “Худудларнинг жадал иқтимоий-иқтисодий ривожланишига таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Худудларни комплекс иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари яққол мисолдир.

Бугун ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мана шу икки муҳим ҳужжат тўғрисида ҳам иқтимоий, ҳам иқтисодий аҳамиятга эга жуда кўплаб ишлар бажарилди. Минглаб оилаларга файзу барака кирди. Худудларда янгича ресурслар аниқланиб, ишга солинди. Энг муҳими, муаммоларни ечишнинг мақбул механизми жорий этилди.

Дейлик, аввал мутасадди идораларда қанчонки қимнингидур мурожаатдан сўнг қайси-қайси масала ижросига киришилган бўлса, сўнгги беш йил мобайнида бу эскича ёндашувга бутунлай барҳам берилди. Яъни энди мавжуд муаммолар кун тартибига қўйилмасдан, уни аввалдан аниқлаш, ўрганиш ва ҳал қилиш тамойили йўлга қўйилди. Ва бу ушбу, аввало, аҳолининг оптикча оворагарчиликка чек қўйди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга татбиқ этилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил замирида юксак халқчиллик моҳияти муҳассам қоида ижросининг энг самарали йўналишларидан бирига айланди. Секторлар ташкил қилинганлиги ва уларнинг фаолияти туман-шаҳарлар, маҳаллалар кесимида қўйилган этилганлиги давлат идораларини аҳолига янада яқинлаштирди, масалаларни идораларда эмас, бевосита хўйининг ўзида ҳал этиш имкониятини яратди. Айни тизимнинг афзалликлари Сирдарё вилоятидаги прокурорлар секторларида ҳам намойён бўлмоқда.

Хусусан, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” ижроси мисолида айтилса, атрофича ўрганишлар орқали шакллантирилган ушбу рўйхатлар жамнамалари ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча, ҳар бир хонадондаги иқтимоий аҳолини кўзгудек аниқ-равшан кўрсатиб берди. Натижада минглаб оилалар, аёллар, ёшлар ҳаёти ва турмуши яхшиланди.

Масалан, вилоятимиз бўйича прокурорлар сектори ҳудудига оид “темир дафтар”га 15 691 нафар аҳдоси бўлган 3 934 та эҳтиёжманд оила киритилган эди. Бугунги кунгача ушбу оилаларнинг 94 фоизидан ортимки дафтардан чиқарилди. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, биргина “темир дафтар” бўйича амалга оширилган 4,5 миллион сўмлик ёрдамлар натижасида нафақат кўплаб оилаларнинг иши юришди, балки доимий меҳнат манбаълари ҳам яратилди. Жумладан, 705 та хонадон чорва моллари билан тазминланиб, 25 тасига енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриб берилди. Натижада деҳқончилик, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга, “темир дафтар”даги оилаларнинг меҳнатга лаёқатли 4 мингта яқин аъзоларининг ҳаммаси тўлиқ ишга жойлаштирилди.

Маълумотларни назорат қилиш механизми

Вилоят прокурори сектори ҳузурда Call-марказ ташкил этилиб, бу билан махсус дафтарларга эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшларнинг ҳаққоний қиртилиши ҳамда ундан чиқарилиши билан боғлиқ маълумотларни назорат қилиш механизми яратилган.

Маълумки, “темир дафтар”да айрим сабабларга кўра чиқаришнинг илоҳи бўлмаган тоифага мансуб оила ва кишилар ҳам бор. Яъни булар меҳнатга лаёқатсиз ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар ва оғир дардга чалинганлар. Бироқ шундай бўлса-да, ушбу гуруҳдагилар доимий иқтимоий ҳимояга олинган. Бундай оилаларнинг ҳар бирига прокурорлар секторида фаолият кўрсатаётган беш нафардан саховатли тadbиркор ҳамда фермер хўжаликлари бириктирилган бўлиб, уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб келинмоқда.

Шунингдек, жамиятда аёлларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш, уларни иқтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатишни самарали ташкил этиш бўйича қатор вази-фаларни белгилаб олганмиз. Улар ижроси доирасида прокурорлар секторлари ҳудудларида “аёллар дафтари”га 5 709 нафар хотин-қиз киритилди. Уларга турли кўринишдаги ёрдамлар кўрсатилди.

Хусусан, тиббий ёрдамга муҳтож 80 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз Швейцария билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ташкил этилган “SwissLab” диагностика тиббий марказида бепул тиббий кўриққа ўтказилиб, дavoланишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди.



Кўрилган чоралар ва амалий ёрдамлар натижасида “аёллар дафтари”га киритилганларнинг деярли барчаси рўйхатдан чиқарилган бўлса, қолган айрим иқтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор хотин-қизларга доимий кўмак бериб келинмоқда.

Барчаси ёшлар келажаги учун

Ёшлар билан ишлаш ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу борада “ёшлар дафтари”нинг юритилиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир прокурор секторида ушбу дафтар асосида иш ташкил этиляпти. Негаки, ҳар бир йигит-қизнинг келажаги, бу эртанги кунимизнинг истиқболи ҳамдир. Бугунги кунда кўрсатилган ёрдамлар тўғрисида ушбу рўйхатдаги ёшларнинг деярли барчаси ҳаётда ва фаолиятда ўз йўлини топиб олмақда.

Бир-иккита мисол келтирмаман. Бобўт туманининг Янгибод маҳалласидаги тadbиркорлик қилиш истагида бўлган беш нафар ёшнинг ҳар бирига 22 миллиондан 31 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилди. Натижада уларга сартарошхона, гўзаллик салони, савдо дўкони, тикувчилик ва компьютер хизматидан иборат шохбобчалар ташкил этиб берилди. Беш нафар йигит-қизнинг тadbиркорлиги ортидан 11 иш ўрни ҳам яратилди.

Секторларимизда 5 муҳим ташаббус ижроси доирасида ёш авлоднинг маънавия-

лан ўралди, махсус саҳна (амфитеатр) қурилди. “Booksafe” шаклидаги кутубхона фаолияти йўлга қўйилди ҳамда комплекс ёндашда “Дўстлик” каналига иккита катер ва битта скутер келтирилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу комплексда прокурор секторидаги “ёшлар дафтари” ҳамда “аёллар дафтари”га киритилган ўттиздан ортиқ аёллар ва ёшлар тиббий, санитар, иқтимоий ва бошқа соҳаларда комплексдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишлари мақсадида доимий иш билан таъминланди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Худудларни комплекс иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ободлик, қўрамлик, зарур инфратузилманинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бунда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари катта самара бераётгани бугунги бир-биридан гўзал қиёфага аҳоли яшаш манзилларида ўз ифодасини топтомоқда.

Вилоятимиз прокуратура органлари ҳамда секторларимиз бу борада олиб борилаётган ишлар устидан доимий назорат ўрнатаиб, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида дастурга киритилган маҳаллаларнинг 11 тасида “кўчма контейнер”, яъни ободоналаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларини мувофиқлаштириш штаби ташкил қилинди.

Шунингдек, “Бюджет назорати” дастурига барча объектнинг тўлиқ киритилиши таъминланиб, прокурор ёрдамчилари томонидан доимий назорат йўлга қўйилди. Вилоят ва туман-шаҳар прокуратураларида ташкил қилинган штаб аъзолари томонидан дастурга киритилган объектлар хатловдан ўтказилди.

726 та тadbиркорнинг ҳуқуқи тикланди

Давлатимиз раҳбарининг тadbиркорлар билан ўтказган очик мулоқотида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан прокуратура органлари ва секторларимиз тadbиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш борасида тизимли иш олиб боришмоқда.



матрифиёли билимларини оширишга ҳам эътибор қаратяпмиз. Жумладан, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” гояси асосида ўтказилган китобхонлик акциясини мисол келтириш мумкин. Мазкур акция доирасида Мирзаобод туманининг Навбахор маҳалласидаги улғў шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги маданият марказида вилоят прокуратураси ташаббуси билан кутубхона ташкил этилди.

Ушбу зийё масканига “Мустиқилликнинг 30 йиллигига — 30 та китоб” шiori остида мингдан ортиқ бадиий китоблар совға қилинди. Бундан ташқари, секторларимиз ҳудуддаги маҳаллаларда қўллаб “Workout” спорт майдончалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, Гулистон шаҳрида 2,6 гектар майдонда “Беш ташаббус хибони” комплекси барпо этилди. Албатта, буларнинг барчаси ёшлар учун, уларнинг келажаги учун.

Жумладан, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш мақсадида ташландик ҳолатдаги чўмилиш хровуи қайта таъмирдан сўнг фойдаланишга топширилиб, унинг атрофи пийдалар йўлакчаси, велойўлакча ҳамда қумли тушамалар би-

Айни пайтда аҳоли бандлигини таъминлаш учун маҳаллалар кесимида “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш юзасидан тизимли ишлар давом эттирилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ёшлар, аёллар, оилалар, умуман, худудлар ҳаётини янада иқтимоий-иқтисодий жиҳатдан раванқ топтиришда маҳаллий ресурслар кўп. Бунинг учун эса бевосита жойларда, хонадонларда бўлиб, чуқур ўрганишлар олиб боришдек самарали амалиётни бугунгидан-да қучайтирсак, аҳоли билан мулоқотларда билдириладиган таклиф-мулоҳазаларни қўллаб-қувватласак, бас.

Шохрух АМИНОВ,
Сирдарё вилояти прокурори.

ЯХШИЛАР ЁДИ УНУТИЛМАС

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ ўзининг бетақорор ва ёрқин ижодий фаолияти, миллий истиқлол гоясига садоқати билан Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз маданиятини юксалтириш, жамият ҳаётида эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик каби қадриятларни қарор топтириш йўлида унутилмас хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмун ҳаёти ва ибратли инсоний фазилатлари билан эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган марҳум ижодкорлар муқофотланди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик ушбу ардоқли инсонларнинг оила аъзолари, яқинлари, дўстлари, шогирдлари қалбига чексиз қувонч бағишлади.

Буни уларнинг қуйидаги дил сўзларидан яққол англаш мумкин.

Муносабат

Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Президентимиз Фармони асосида мамлакатимизда маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорлар муқофотланганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Улар орасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр Фатхулла Маъсудовнинг ҳам борлигидан унинг ҳамкасблари, оила аъзолари, яқинлари, мухлислари чексиз қувондик.

1968 йилда Фатхулла ҳарбий хизматдан қайтганидан сўнг бизнинг сатира театримизда Абдурайим Абдувахобов, Тоҳир Саидов, Бекзод Муҳаммадкаримов каби ижодкорлар билан бирга иш бошлади. Аввал ҳам шу ерга келиб турар, маҳорат дарсларини оларди. Кейинчалик театрда катта-катта роллар ўйнади, ўз маҳорати, интилиши билан мухлислар орттирди.

Миллий театрға раҳбарлик қилган пайтларида ҳам сидқидилдан ишлар, жамоаси, ёндашди дўстлари ва яқинларига қўлдан келганча ёрдам берар, атрофдагилар ҳам унга алоҳида ҳурмат билан қарарди.

У тириклик пайтида ҳам эъзозланди,



кадр топди. Айни кунларда ҳам халқи, Ватани олдидаги ишончни бир қадар оқлай олгани учун номи эъзоз ва эҳтиромда. Фатхулла шахсан мен учун жуда қадрли эди, уни нафақат кўевим, балки катта ўғлим сифатида яхши кўрадим. Ҳозир ёнимда эмаслигидан, тўсатдан коронавирус номли бало уни олиб кетганидан қайғуга чўкаман. Бироқ мана бугун ўша қайғулар бир оз унутилгандек бўлди, юртимиз истиқолининг 30 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан Фатхулла Маъсудов “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Бу муқофот унинг театр, кино, дубляж, умуман олганда, санъат соҳасидаги хизматларининг муносиб эътирофи бўлди. Бугун орамизда йўқ бўлса ҳам ардоқли ижодкорнинг меҳрибон овози қулоқларимиз остида қаради.

У тириклик пайтида ҳам эъзозланди,

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
Тошкент давлат аграр университети доценти
(Шукур Холмирзаевнинг фарзанди):

— Мамлакатимиз Мустиқиллигининг 30 йиллик шодёнаси бизга қўшалоқ келди. Президентимиз Фармонига кўра отам — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, миллиятпарвар ижодкор Шукур Холмирзаев “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланиши оила аъзоларимизни, бутун адабиёт ихлосмандларини беҳад хурсанд қилди. Қалбимизга чексиз ҳаяжон, соғинч, гурур бахш этди.

Ўтганларни хотирлаш — халқимизга хос азалий қадрият. Марҳум ижодкорларнинг, маданият ва санъат намоёндаларининг муқофотлини уларнинг оила аъзолари, яқинлари қалбини нурафшон этибгина қолмай, дунёдан ўтганлар руҳини шод қилади.

Ҳаёлимда ёзувчининг эл-юрт тақдирини учун жонқуярлиги, кунни кун, тунни тун демай тинмай ижод қилгани, истиснододини чаролаш учун ўқиб-излангани, келажакни ўйлаб олпоқ орзуларга берилгани жонланди. “Бугунги саодатли кунларни тасаввур қилганимиз а-а?!” дея ўйлайман. Ишонаманки, бу инсон бугунги фараҳбахш кунларни ёрқин тасаввур этган, ният қилган ва ишонган. Агар бугунги эъзоз ва эҳтиромга ишончи бўлмаганида ёниб ижод қилмасди, халқимиз эртаси, авлодлар маънавияти, бадиий диди юксалиши учун қўнама қайғурмасди, менимча.

Улуғ Ўйлон “Адабиёт яшаса — миллият яшар”, деб бежиз таъкидламаган. Бугун Президентимизнинг адабиёт ривожига, маънавият ва маърифат раванқига бераётган эътибори, мамлакатимизда ижод аҳлининг кадрланаётгани миллиятимизнинг, халқимизнинг эртаси бугундан-да ёрғ бўлишига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи» ёзиб олди).

ЭЪЛОН

ВАЖНАЯ ИНФОРМАЦИЯ ДЛЯ ГРАЖДАН РОССИИ

**19 СЕНТЯБРЯ 2021 ГОДА ПРОЙДУТ ВЫБОРЫ
ДЕПУТАТОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДУМЫ
ФЕДЕРАЛЬНОГО СОБРАНИЯ РОССИЙСКОЙ
ФЕДЕРАЦИИ ВОСЬМОГО СОЗЫВА.
ВСЕ ГРАЖДАНЕ РОССИИ, НАХОДЯЩИЕСЯ
НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА И ИМЕЮЩИЕ
ПРАВО ГОЛОСА, ПРИГЛАШАЮТСЯ
В ЭТОТ ДЕНЬ НА ИЗБИРАТЕЛЬНЫЕ УЧАСТКИ:**

№ 8297 — г. Ташкент, ул. Нукус, 83 (посольство Российской Федерации),

№ 8371 — г. Самарканд, ул. У. Юсупова, 5 (гостиница «Zilol Baxt»),

№ 8374 — г. Фергана, ул. Алишера Навои, 26 (гостиница «Азия Фергана»).

Избирательные участки будут открыты с 8.00 до 20.00.

Правом на участие в выборах обладают все граждане России, достигшие на день голосования возраста 18 лет.

Для получения избирательного бюллетеня необходимо иметь при себе документ, удостоверяющий личность гражданина Российской Федерации.

Просим соблюдать санитарно-эпидемиологические требования по борьбе с коронавирусом при посещении избирательного участка!

Безопасность голосующих — наш приоритет!



ВЫБИРАЕМ ВМЕСТЕ!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланиди.

Газетанинг полиграфия ҳиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 03.05 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6